



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

955

20 20 й. " 26 " ноябрь

№ 26/8

Тошкент ш.

Марказий банк маблағларидан самарали фойдаланиш ва давлат харидларини амалга ошириш ҳамда улар устидан доимий мониторинг олиб бориш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сон топшириғига асосан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси"нинг ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Марказий банк тизимида давлат харидлари касбий маҳорат, асосланганлик, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги, самарадорлиги, очиқлик, шаффофлик, тортишув ва холислик, мутаносиблик, давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги, коррупцияга йўл қўймаслик принципларига асосланган ҳолда амалга ошириб келинаётганлиги қайд этилсин.

2. Марказий банк тизимида давлат харидларини Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ва соҳани тартибга солувчи бошқа қонуности ҳужжатларига асосан амалга ошириш мақсадида қуйидагилар:

Марказий банк тизимида давлат харидларини амалга ошириш тартиби 1-иловага мувофиқ;

Марказий банкнинг марказий аппарати Хўжалик шартномаларини тузиш, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харидини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ;

Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича бош бошқармаларининг Хўжалик шартномаларини тузиш, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харидини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур комиссиялар Марказий банк тизимида давлат харидларини Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ва соҳани

тартибга солувчи бошқа қонуности ҳужжатларига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

4. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қувваталиев), Ахборот технологиялари департаменти (С.Мелибоев), Молия-иқтисод департаменти (И.Бабаев) ва “Ахборотлаштириш бош маркази” ДУК (Д.Сариходжаев) Марказий банк тизимида давлат харидларининг ўтказилиши ҳақидаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва баҳолаш воситасида доимий асосда мониторинг қилишнинг электрон тизими ўрнатилишини таъминласин.

5. Марказий банк ҳузуридаги “Давлат белгиси” ДУК, “Республика инкассация хизмати” ДУК, “Ахборотлаштириш бош маркази” ДУК, “Гаров реестри” ДУК ларида давлат харидлари, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши бўйича жавобгарлик мазкур корхоналар раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

6. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қувваталиев) ва Молия-иқтисод департаментига (И.Бабаев) Марказий банк ҳузуридаги корхоналарда давлат харидларининг белгиланган қонунчилик доирасида амалга оширилиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

7. Марказий банк бошқарувининг 2018 йил 29 декабрдаги 40/10-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вазифаси Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю.Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк раиси



М.Б.Нурмуратов

Марказий банк тизимида давлат харидларини амалга ошириш Тартиби

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва соҳани тартибга солувчи бошқа қонуности ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Марказий банкнинг марказий аппарати, Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича бош бошқармалари (кейинги ўринларда - Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари) эҳтиёжи учун товарлар ва ишлар, хизматларни харид қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Марказий банкнинг марказий аппарати харид комиссияси - Марказий банкнинг марказий аппарати ва Тошкент шаҳар бош бошқармаси Хўжалик шартномаларини тузиш, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харидини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича комиссияси;

Ҳудудий бош бошқарма харид комиссияси - Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бош бошқармаларининг Хўжалик шартномаларини тузиш, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харидини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича комиссияси;

Комиссия ишчи органи - Марказий банкнинг марказий аппаратида – Молия-иқтисод департаменти, Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бош бошқармаларида - Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва молиявий иқтисодий фаолият бошқармаси;

Мазкур тартибда “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомда (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май) келтирилган асосий тушунчалардан фойдаланилади.

2. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва соҳани тартибга солувчи бошқа қонуности ҳужжатларига ҳамда ушбу Тартибда белгиланган талабларга мувофиқ, энг яхши танлов таклифларини танлаб олиш ҳамда Марказий банкнинг ва ҳудудий бош бошқармаларнинг харид комиссияларининг ижобий хулосаси асосида амалга оширилади.

3. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари куйидагилардан иборат:

электрон дўкон;

бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;

танлов;

тендер;

ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари.

Харидлар электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

II. Товарлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш учун рухсат олиш тартиби

4. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш юзасидан танлов савдоларини ўтказишга рухсат олиш учун Марказий банкнинг Хўжалик шартномаларини тузиш, товарлар (ишлар, хизматлар) харидини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича комиссия муҳокамасига куйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши зарур:

- ташаббускор таркибий бўлинма раҳбари номидан Марказий банкнинг марказий аппарати харид комиссияси раиси (ҳудудий бош бошқармаларда - бош бошқарма харид комиссияси раиси) номига ёзилган тегишли товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш зарурлигини асослаб берувчи билдиришнома (Марказий банк раҳбарияти топшириғига мувофиқ харидлар амалга оширилганда Маъмурий ишлар бўйича департамент томонидан билдиришнома);

нуқсон далолатномаси (асосий воситаларни таъмирлаш ишларига эҳтиёж бўлганда);

савдолар ўтказилиши муддатлари;

харид қилиш режалаштирилаётган товарларнинг ўзига хос хусусиятларини (ранги, ҳажми, вазни ва техник параметрларини) тавсифловчи маълумот.

5. Марказий банкнинг марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларнинг харид комиссиялари тақдим қилинган билдиришнома ва унга илова қилинган ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, тегишли товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш зарурати борлиги ёки йўқлигини аниқлайди.

Комиссиянинг ижобий хулосаси унинг тегишли баённомаси билан расмийлаштирилади.

Комиссия иш фаолиятини ташкил этиш, баённомалари ва бошқа тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш, сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ ишлар мазкур комиссиянинг Ишчи органи томонидан амалга оширилади.

Ишчи орган танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини ташкил этади.

6. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларида товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш юзасидан савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, электрон дўкон, аукцион, танлов, электрон танлов, тендер, электрон тендер турларидан фойдаланган ҳолда харидларни амалга ошириш тартиб-таомиллари ва ягона етказиб берувчилар билан харидларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

III. Яқунловчи қоидалар

7. Мазкур тартиб талабларига мувофиқ тузилган барча турдаги хўжалик шартномаларининг ўз вақтида, тўлиқ ва шартнома шартларига мувофиқ бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш вазифаси:

Марказий банк марказий аппарати эҳтиёжи учун харидлар юзасидан тузилган шартномалар бўйича - Марказий банкнинг Молия-иқтисод департаменти, Юридик департаменти, Маъмурий ишлар бўйича департаменти ва тегишли ташаббускор таркибий бўлинма раҳбарлари зиммасига;

Тошкент шаҳар бош бошқармаси эҳтиёжи учун харидлар юзасидан тузилган шартномалар бўйича - бош бошқарма бошлиғи ва бош бухгалтери зиммасига

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари томонидан тузилган шартномалар бўйича - бош бошқарма бошлиғи ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади.

8. Давлат харидларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш ва шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча келишув, унинг муҳим шартларини ўзгартирмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин.

10. Буюртмачи томонидан харид қилиш тартиб-таомилига оид барча ҳужжатлар ва видеоёзувлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

11. Мазкур тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Марказий банк бошқарувининг
2020 йил "26" ноябрь даги
25/8, -сонли қарорига 2 - илова
N955

Марказий банкнинг марказий аппарати Хўжалик шартномаларини тузиш, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харидини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича комиссияси таркиби

Ф.И.Ш	Лавозими
лавозим бўйича	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия – иқтисод департаментининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи раис ўринбосари, комиссия раиси
лавозим бўйича	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Маъмурий ишлар бўйича департаментининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи раис ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
лавозим бўйича	Юридик департамент директори
лавозим бўйича	Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти директори
лавозим бўйича	Молия-иқтисод департаменти директори
лавозим бўйича	Ахборот технологиялари департаменти директори
лавозим бўйича	Маъмурий ишлар бўйича департаменти директори
лавозим бўйича	Молия – иқтисод департаментининг Маркетинг бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби

Изоҳ:

* Комиссия аъзолари бошқа лавозимга ўтганда уларнинг ўрнига тайинланган шахслар комиссия аъзолари бўлиб ҳисобланади.

** Зарурат туғилганда танлов таклифларни кўриб, хулоса чиқариш учун тегишли департаментларнинг директорлари ва мутахассислари комиссия муҳокамасига жалб қилинади.

Марказий банк бошқарувининг
2020 йил “26” Июль даги
26/Б -сонли қарорига 3 - илова
N 955

**Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар
бўйича ҳудудий бош бошқармаларининг Хўжалик шартномаларини
тузиш, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харидини амалга ошириш билан
боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича комиссияси
таркиби**

Ф.И.Ш	Лавозими
лавозим бўйича	Бош бошқарма бошлиғи, комиссия раиси
лавозим бўйича	Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
лавозим бўйича	Бош бошқарма бош бухгалтери
лавозим бўйича	Бош бошқарма юридик хизмати ходими
лавозим бўйича	Маъмурий хўжалик бошқармаси бошлиғи
лавозим бўйича	Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва молиявий - иқтисодий фаолият бошқармаси ходими, комиссия котиби

Изоҳ:

* Комиссия аъзолари бошқа лавозимга ўтганда уларнинг ўрнига тайинланган шахслар комиссия аъзолари бўлиб ҳисобланади.